

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР  
ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ  
МАРКАЗИ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**Август пиёзи, саримсоқ ва тўқсонбости  
усулида сабзавот экинлари навларини  
жойлаштириш ва етиштириш  
агротехникаси бўйича тавсиявий  
ҚЎЛЛАНМА**



**ТОШКЕНТ – 2021**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Қишлоқ хўжалигида билим  
ва инновациялар миллий  
маркази Бош илмий қотиби



  
Н.Хушматов  
« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 йил

## **Август пиёзи, саримсоқ ва тўқсонбости усулида сабзавот экинлари навларини жойлаштириш ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиявий ҚЎЛЛАНМА**

Тавсиявий қўлланма Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти услубий кенгашида кўриб чиқилди ҳамда чоп этишга тавсия этилди. Баённома № \_\_\_ « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 й.

© Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик  
илмий-тадқиқот институти, 2021 йил

**Лойиҳа муаллифлари:**

А.А. Хаитов – Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси  
Б.А. Сулаймонов – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, академик

**Август пиёзи, саримсоқ ва тўқсонбости усулида сабзавот экинлари навларини жойлаштириш ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиявий қўлланма.**

**Тузувчилар:**

Р.А. Низомов – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори

У.И. Акрамов – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

Ф.Ф. Расулов – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий котиби, қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори.

Б.С.Саломов – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Мева-сабзавот ва тупроқшунослик шўбасининг Бош мутахассиси, қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори.

**Тақризчилар:**

Ш. Асатов – Тошкент давлат аграр университети профессори, к.х.ф.д.

М. Халимова – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, к.х.ф.н.

*Ўзбекистоннинг иқлим шароитида экинлар – эртаки (эрта баҳордан), ўртаки ва такрорий (ёз ойларида), август ойида (пиёз, саримсоқпиёз), кузда (сабзавот ва кўкатлар) ҳамда далаларни қор босиши олдидан «тўқсонбости» усулида экилади.*

*Тўқсонбости усулининг қатор афзаллик томонлари бор. Ерлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, мавсумда икки ва уч марта ҳосил олишга эришиши ҳамда эрта муддатларда сабзавот маҳсулотларини етиштириш мақсадида ҳар бир фермерлар, деҳқон ва томорқачилар экин майдонларининг асосийқисмини «тўқсонбости» усулида экишни режалаштириши керак.*

*Фақат «тўқсонбости» усули деҳқонлардан чуқур билим ва тажрибаларни талаб этади. Фермерларимиз бу борада кўп тажрибаларга эга. Лекин деҳқон ва томорқачиларнинг бу усул бўйича илм ва тажрибаларга муҳтожлиги сезилиб қолмоқда. Шу сабаблардан келиб чиқиб, деҳқонлар учун оддий деҳқонча қўлланмани тайёрлашга ҳаракат қилинди.*

*Қўлланмада берилган тавсиялар, тўпланган маълумотларга асосланган бўлиб, умумий тусга эга. Экинларнинг нав хусусиятлари, об-ҳаво шароити ва деҳқонларнинг агротехник ёндашувларига қараб 10-15 ва ундан юқори фоизда оғишлар кузатилиши мумкин.*

*Шунинг учун қўлланмадан фойдаланувчилар тавсияларнинг маҳаллий шарт-шароитларга мос келишини мустақил аниқлаб фойдаланиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиши тавсия этилади. Муаллифлар олинган натижалардаги оғишлар учун жавобгар бўлмайди.*

Тавсиявий қўлланма Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти услубий кенгашида кўриб чиқилди ҳамда чоп этишга тавсия этилди. Баённома № \_\_\_\_\_ «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

© Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, 2021 йил

## КИРИШ

Дехқончиликда “тўқсонбости” усули дехқонларимиз томонидан қадимдан қўллаб келинади. Бу усулда экилган уруғлар 90 кунлик қишни қор остида босиб ўтади. Шу сабабдан ҳам бу усулни дехқонларимиз “қорбости” ёки “тўқсонбости” деб аташади.

Тўқсонбости усулида экиш совуққа чидамли сабзавотлардан эрта кўкламда арзон ва мўл сабзавотларни етиштириш имконини яратиш баробарида, кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари танқис “илигузилди” пайтида витаминли маҳсулотлар билан ички бозор эҳтиёжини қоплайди, экспорт имкониятларини кенгайтириб дехқонларни бойитади.

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 15 октябрдаги “Саримсоқпиез ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда эрта баҳорда кундалик зарурий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2021-2022 йиллар ҳосили учун август пиези, саримсоқ ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ҳажми тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Сабзавот маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилда 4 млн 015 минг тонна, 2022 йилда 4 млн 261 минг тонна ҳосил олиш кутилмоқда.

Жумладан, 2021 йилда 1 млн 775 мингтонна пиез, 366,0 минг тонна саримсоқ, 528,3 минг тонна сабзи, 186,7 минг тонна ош лавлаги, 756,1 минг тонна кўкатлар ва 402,6 минг тонна карам ҳосили олиниши кутилмоқда.

2022 йилда эса 1 млн 897 минг тонна пиез, 383,7 минг тонна саримсоқ, 567,5 минг тонна сабзи, 195,5 минг тонна ош лавлаги, 788,5 минг тонна кўкатлар ва 428,3 минг тонна карам ҳосили олиниши кутилади.

Мазкур қарорнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, юқоридаги маҳсулотларнинг қарийиб, 60 фоизи, 2021 йилдаги 4 млн 015 минг тоннанинг 2 млн 286,7 минг тоннаси, 2022 йилдаги 4 млн 261 минг тоннанинг 2 млн 413,9 минг тоннаси дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа майдонларида етиштирилади.

Август пиези, саримсоқ ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган.

Маҳсулот етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув-семинарлар, экспортбоп навларини етиштириш ва экспорт қилиш борасидаги ишлар ташкил этилади.

Маҳсулот етиштирувчиларга агрономик тавсиялар бериш, энг мақбул давлатларга қулай вақтларда экспорт қилишда кўмаклашиш ва мазкур тадбирларга дахлдор бўлган бошқа масалалар “Саримсоқ ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси” ва уларнинг ҳудудий жамиятлари томонидан амалга оширилади.

Айни кунларда мамлакатимиз аҳолисини эрта кўкламда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлаш учун агротехник тадбирларни ўз

вактида ўтказиш, талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини етказиб бериш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқлим шароити сабзавот экинлари етиштириш учун ғоят қулай минтақа ҳисобланади. Суғориладиган майдонлардан ва лимон етиштирилаётган иссиқхоналардан самарали ва унумли фойдаланиш, ҳар бир қарич майдондан йил давомида бир неча маротаба ҳосил олиш, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

Шунинг учун ҳам республикамизда қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган сабзавот маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг асосий мақсади – ҳар бир гектар суғориладиган ва лимон етиштирилаётган иссиқхона майдонлардан унумли фойдаланган ҳолда олинадиган маҳсулотлар миқдорини юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳисобига кескин оширишдан иборат.

Юқори сифатли ҳосил олиш учун, аввало, ҳар бир экиннинг биологияси, унинг ўсув даврида озуқага бўлган талаби, экиш муддатларини аниқ билиш ва етиштириш жараёнидаги ҳар бир тадбир ўз вақтида, сифатли ўтказилишини таъминлаш зарур.

Тўқсонбости услубида экилган сабзавот экинлари уруғлари эрта кўкламда ердан жуда барвақт униб чиқиб, тез ривожланиши ҳисобига эрта ҳосил беради.

Сабзавот уруғлари экилган эгатлар устидан чириган маҳаллий ўғитлар ёки дарахт қишлоқлари билан мулчалош ёки шаффоф полиэтилен плёнкаларини ёпиш тадбирларини қўллаш экилган сабзавот уруғларини эрта кўкламда барвақт униб чиқиб, жадал ўсиб ривожланиши ҳисобига эрта баҳорда экишга қараганда ҳосил етилиши 25-30 кунгача эртароқ, ҳосилдорлиги эса 15-20% га ортиқроқ бўлади.

Кеч кузда совуқ ва намгарчилик бошланмасдан олдин тўқсонбости усулида экиш учун ноябр ойининг охири декабр ойининг биринчи декадасида совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат) экинларининг уруғлари сепилади. Тўқсонбости қилиб сепиладиган сабзавот уруғлар сарфи 20% гача кўпроқ бўлиши керак.

Бу муддатда сепилган сабзавот экинларининг уруғлари қиш мавсумида унмайди, қишки ёғингарчиликлар натижасида уруғлар тупроқдаги намликка тўйинади ва ҳаво ҳарорати 4-5°C бўлганда кўкламда барвақт бегона ўтлар уруғларидан олдин ер нами билан униб чиқа бошлайди.

Ҳаво ҳарорати 18-20°C бўлганда тўлиқ унади, кузда экилган сабзи, пиёз ва лавлагининг барглари кўкламда экилганига қараганда 1,5-2 баравар катта бўлиб, ҳосил 25-30 кун олдин етилади ҳамда ҳосилдорлиги гектаридан 14-15% гача юқори бўлади. Бунда ушбу экинларнинг эркаклаб кетмайдиган навларини экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Республикамизнинг об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб ҳар бир вилоят учун янги районлаштирилган, мўл ҳосилли, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, зараркунанда ва касалликларга чидамли, механизмлар ёрдамида ишлов беришга мослашган, ҳар бир экиш муддати учун мос навларни тўғри танлаш лозим.

Хулоса қилинганда мазкур тадбирлар аҳоли томорқаларидан оқилона фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

## I. АВГУСТ ПИЁЗИ ВА САРИМСОҚ НАВЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Экиш режалаштирилган экин навларини тўғри танлаб, сифатли уруғ экиб, илмий асосланган етиштириш агротехнологияларга тўғри риюя қилиш натижасида сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ошиб бормоқда.

Пиёз майдони ҳамда олинадиган ҳосилнинг миқдори жихатидан сабзавот экинлари ичида помидордан кейинги ўринда туради.

Пиёз таркибида инсон организми учун зарур бўладиган азотли моддалар (1,7-2,5%), қандлар ва витаминлар кўп сақланади. Уни таркибидаги эфир мойлари ўзига хос хид ва аччиқлик беради. Янгилигича истеъмол қилинадиган барра пиёз таркибида аскорбин кислота 19-57 мг/% ни ташкил этади. Булардан ташқари уни таркибида А, Б<sub>1</sub>, Б<sub>2</sub>, витаминлари ҳамда олма ва лимон кислоталари мавжуд. Пиёз эфир мойлари фитонцидлик хусусиятига эга бўлганлиги ҳамда инсон организмда йиғиладиган охакни эритиш хусусиятига эга эканлиги сабабли ундан тайёрланган препаратлар медицинада ошқозон хасталиклари, нафас йўллари ҳамда юрак – қон томир тизимини даволашда қўлланилади.

Саримсоқ – пиёзгулдошлар (*Allium sativum* L.) оиласига мансуб бўлиб, аҳамияти жихатидан қимматли сабзавот экини ҳисобланади.

Саримсоқ дориворлик хусусиятига эга ва таркиби қимматли моддаларга бой сабзавот бўлиб, турли таомларга, салатларга қўшилади ва қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади. Таркибида жуда кўплаб углеводлар (10,5-21,4%), оқсил (6,76%), минерал тузлар, С дармондориси (баргида 50 мг/% гача, пиёзбошида 8-10 мг/% гача) бор. Саримсоқдан дори тайёрловчи фармокалогия корхоналарида сативин, аллицин, аллисат, аллизонтин каби 20 дан ортиқ дори тайёрланади.

Саримсоқ навлари биологик хусусиятлари ва экиб етиштириш усулига қараб кузги ва баҳорги навларга бўлинади. Кузги навлари поя чиқарадиган ва чиқармайдиган хилларидан иборат бўлиб, кузда экилади ва келгуси йили саримсоқ ҳосили олинади.

Саримсоқ ўсимликлари совуққа чидамли, ҳарорат 0<sup>0</sup> С атрофида бўлиб турган пайтда илдизлари ўса бошлайди, +3...+5<sup>0</sup>С ҳароратда ўсиб боради ва +6...+8<sup>0</sup>С га етганда эса майсалари пайдо бўлади. Саримсоқ ёруғликка унча талабчан эмас, узун кун (16-18 соатли) ўсимлиги ҳисобланади. Тупрок унумдорлиги ва намликка жуда талабчан.

Иссиқхона ва очик майдонларни экишга тайёрлашда дастлаб у ердаги барча ўсимлик қолдиқларини сеткали ёки зигзак бороналар ёрдамида майдон ташқарисига чиқариб тўплаш, сўнг майдонларни нотекис қисмлари бўлса, бу қисмларни ер текислаш мосламалари ёрдамида текислаб чиқиш лозим бўлади.

Текисланган майдонларга фосфор ҳамда калий ўғитлари меъёрини 70% миқдорида сепиш мосламалари ёрдамида сепиб чиқиладиб

## ПИЁЗ

Пиёзни маҳаллий шароитда яратилган Оқ дур, Сумбула, чет элнинг Сибир, Алдоба нав ва дурагайлари экиш тавсия этилади. Ушбу навлардан ўртача 285-300 ц/га ҳосил олинади.



Пиёзни эрта-кузги муддатда жанубий минтақаларда 5 август - 5 сентябр, марказий минтақаларда 15 август-15 сентябр, шимолий минтақаларда 30 август - 30 сентябрларда уруғи экилади.

Пиёз уруғи гектарига 12-15 кг меъёрида сарфланади. Пиёз СКОН - 4,2, СММ - 4 русумли сеялка билан ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см. дан олиб тўрт қаторли усулда экилади. Уруғлар ерга 1,5 – 2,0 см чуқурликка кўмилади.

Ёзги-кузги муддатларда пиёз ўртаги, ёзги сабзавот ва картошка ҳосили йиғиштириб олингандан ҳамда ғалладан кейин экилади.

Пиёз икки-уч марта дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-2,8 А культиватори билан ерни 15-16 см чуқурликда ишлов берилади.

**Ўғитлаш.** Пиёз ўсимлиги популация илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озиқа элементларни кўп бўлишини талаб қилади.

Юқори унумдор ерларга ўртача соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор ерларга ўртача 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий ва унумдорлиги паст бўлган майдонларга 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий бериш керак.

Пиёз учун муқобил бўлган азот ўғити аммоний сульфат ёки карбонид фосфор ўғитларидан эса суперфосфат, аммофос ўғитидир. Ҳар-хил даражада шўрланган ерларда пиёз етиштирилганда азот ўғити сифатида аммоний сульфат, калий ўғитларидан калий хлорид, калий сульфат каби ўғитларни бермаслик керак. Бу хилдаги ўғитлар тупроқда оз миқдорда бўлса ҳам шўрланиш даражасини оширади. Бу пиёз ўсимлигини униб чиқаётганда, ўсиш ривожланишига, ниҳоят олинадиган ҳосилга, маҳсулот сифатига салбий таъсир этади.

**Ўғитларни бериш муддати.** Режалаштирилган ҳосилга белгиланган фосфор ўғитни йиллик миқдорини 70-75% ерни асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот ўғитини эса вегетация даврида озиқлантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш пиёз ягоналаб, пиёз боши ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Гўнг берилганда гўнгадаги бегона ўтлар уруғлари униб чиқиб, олинадиган ҳосилга салбий таъсир этади.

**Суғориш.** Пиёз ҳаво нами паст жойларда яхши ўсади, аммо тупроқнинг сернам бўлишини хоҳлайди. Пиёзнинг барг шапалоғини кичиклиги ва сувни тежаб-тергаб сарфлашига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаганлигидан тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда кучли. Уруғ униб чиқаётган ва пиёз

боши шаклланаётган даврда экиннинг сувга талаби айниқса ошади. Фақат ўсув даврининг охирида ва пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди. Бу даврда тупроқ хаддан ташқари сернам бўлса, пиёз кечроқ етилади ва уни узоқ сақлаб бўлмайди. Тупроқ нами етишмаса, пиёз бошининг катталашини сустлашади, ўсув даврини барвақт тугаллайди, камбарг ва пиёзбоши майда бўлади, натижада ҳосилдорлик кескин камаяди.

Суғорганда тупроқ етарли даражада намиқмаса барги оқиш - яшил тусга кириб, учи эгилади. Ортиқча намланганда эса барги оч яшил рангга киради.

Пиёз экилиши биланоқ кетма-кет суғорилади. Уруғни қийғос ундириб олиш учун уруғ суви берилади. Бунда сув жилдиратиб оқизилиб марзанинг тепаси қорайгунча тўхтатилмайди. Шунда тупроқ бир текис намиқиб уруғнинг ёшасига кўқариши учун шароит яратилади. Ўсимлик яхши илдиз отиб ўзини обдон ўнглаб олгунича (кеч кузгача) сувдан қолдирмайди. Шу мақсадда пиёз кузги ёғингарчилик бошлангунича ўсув даврида уруғ сувидан ташқари яна икки марта суғорилади. Кузги пиёз кўкламда апрел ойидан бошлаб яъни ёғин-сочин тўхтагандан кейин суғорилади.

Юқорида айтилганидек, пиёз илдизлари тупроқнинг юза қатламига таралишини ҳисобга олиб ҳар галги суғоришда гектарига 350-400 м<sup>3</sup> ҳисобидан сув берилади.

#### **Касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши кураш:**

Касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, бўғин чириш касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125- 0,150 л ёки Курзат н.кук. Р 2,0-2,5 кг 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 гектарга препаратлардан 10% эм.к ДВА-тридан 0,4л, 10% эм.к Талстардан 0,3-0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25-0,3л ҳисобида сепилади.

Катта майдонларда бегона ўтларни йўқотишда гербицидлардан фойдаланиш мумкин. Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларни йўқотиш учун уруғни экишгача ёки униб чиққунига қадар гектарига сус.к. 50% Гезогард гербицидидан 2,0–3,0 кг ёки эм.к. 33% Стомпдан 1,0–2,0 литр ҳисобида 400 литр сувга аралаштирилиб сепилади.

Пиёз ниҳолларида 3–4 тадан чинбарги чиққан даврида майдондаги таъкидланган ўтларга қарши эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (1,0–2,0 л/га) ёки эм.к. 20 фоизли Набу (1,5 л/га) сепилади. Кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши эса эм.к. Зеллек супер (1 л/га) ёки эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (2,4–4,0 л/га) препаратларини бегона ўтларнинг бўйи–5–10 см бўлганда сепиш тавсия этилади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Пиёз ҳосили август ойида пишади ва сараланиб ҳосили йиғиштирилади.

## САРИМСОҚ

Саримсоқ совуққа чидамли ўсимлик. У 3-5<sup>0</sup>С ҳароратда кўкариб чиқади. 7-8<sup>0</sup>С гача бўлган совуққа чидайди. Саримсоқнинг ўсиши учун 1-даврида ҳарорат 5-10<sup>0</sup>С, паллалар ҳосил қилаётганда 15-20<sup>0</sup>С ва етилаётганда 20-25<sup>0</sup>С бўлиши керак. 20<sup>0</sup>С дан юқори ҳарорат илдизларнинг ўсишини тўхтатиб қўяди. Ўзбекистонда кузда экиб ўстириладиган, гулпоя ҳосил қиладиган маҳаллий навлар районлаштирилган.

**Саримсоқ навлари:** Майский Вир ва Южно-Фиолетовой, Чидамли.

Алмашлаб экишда саримсоқ бодринг, карам ва картошка далани бегона ўтлардан тозалайдиган экинлардан кейин экилгани маъқул.



Саримсоқ август ойининг сўнги декадасидан то сентябр ойи охиригача очик ва иссиқхона майдонларига экилади. Бундан кечиктириб экилса, кузда яхши илдиз олишга улгурмайди, натижада кишки паст ҳароратдан ва турли касалликлардан зарарланади.

Саримсоқ паллалари йирик-майдалига қараб гектарига 1,0-1,5 тонна ҳисобидан экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. Саримсоқ 2-3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 50-60см, ленталардаги қаторлар ораси 10-15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6-8 см бўлади.

Булбочкалар паллаларга қараганда қалинроқ экилади, қаторлардаги ўсимликлар ораси 2-3см ва чуқурлиги 3-4см қилинади. Бунда гектарига 80-100 кггача бульбочка-уруғлик сарфланади. Саримсоқ паллалар 5-6 см чуқурликка экилади.

Саримсоқ кузда, совуқ тушгунча 1-2 марта суғорилади. Кўкламда (феврал охири-март бошида) экилган саримсоқ одатда кузда экилганига қараганда кам ҳосил беради.

Саримсоқни кўклам-ёзда парвариш қилиш: 5-6 марта суғориш, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, чопик қилиш, гулпояларини синдириб ташлаш, минерал ўғитлар билан озиклантириш ва чиринди билан мульчалаш ҳосилни анча оширади.

Тупроқ турига қараб саримсоқ экилган майдонга соф ҳолда 150-200 кг азот, 140-160 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити солинади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва яхши сақланмайди.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш.** Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 гектарга препаратлардан 10% эм.к ДВА-тридан 0,4л, 10% эм.к Талстардан 0,3-0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25-0,3л, касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, бўғин чириш касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125-0,15 л ёки н.кук. Курзат Р 0,2-0,25 кг препаратидан бирортаси 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Ҳосилни йиғишга 20-30 кун қолганда суғориш тўхтатилади. Саримсоқ ҳосили июн-июл ойларида йиғиштириб олиниб, сўнг

яхшилаб куритилади, барги ва гулпояси бўғзидан 3-5 см қолдириб кесиб ташланади ҳамда сараланади. Саримсоқ ҳосили гектаридан 7-8 т. Саримсоқ ҳарорат 1-3<sup>0</sup>С ва ҳаво намлиги 75-80% бўлганда яхши сақланади.

## **II. ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛИДА САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ НАВЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

**Тўқсонбости усулида сабзавотлари етиштиришнинг афзалликлари.** Сабзавотлар киш олдидан экилганида, уруғлар паст ҳароратдаги намликда кўпчиб бўкади, яровизация даврини табиий шароитида қишлаб ўтайди, нимжон уруғлар ўлиб кетади, ҳақиқий бакувват уруғлар эрта баҳорда паст ҳароратда майсалайди.

Яровизация даврини табиий шароитда ўтаган уруғларнинг майсалари совуққа ва касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли бўлади.

Баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ҳар доим ҳам экиш ва уруғларнинг униши учун қулай шароит яратилавермайди. Қиш олдидан экилган экинлар эса, об-ҳавога қараб қулай униб чиқиш даврини ўзи аниқлайди. Ҳатто, ерларнинг лой совуқ бўлиб қулай муддатнинг чўзилиши ёки қурғоқчил келиб тупроқ намини қочиши ҳам бу экинларга таъсир кўрсатмайди.

Бу усулда уруғларни экиш олдидан экишга тайёрлаш каби катта меҳнат талаб қилинадиган тадбирлар амалга оширилмайди.

Тўқсонбости усулида экилиб мулчаланган сабзавот экинларининг уруғи қишки ёғинлар таъсирида аста-секин бўртиб, эрта кўкламда, ҳаво ҳароратининг паст бўлишига қарамай, уруғлардан майсалар тез ўсиб чиқади. Натижада ушбу майсалар баҳорги қисқа муддатли совуқларга бардошли бўлиши билан бирга баҳорги экилганига қараганда 10-15 кун эрта пишади ва серҳосил бўлади. Айниқса, баҳор серёғин келиб, ерлар ишлов беришга етилмай, экиш муддати чўзилиб кетган йилларида бу янада аҳамиятли ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳорда катта майдонларга экин экиш керак бўлган даврдаги энг қимматли вақтингизни тежайди.

Тўқсонбости усулида экишнинг яна бир хусусияти шундаки, уруғлар паст ҳароратдаги намликда кўпчиб бўкади, лекин униб чиқмасданқишлайди. Нимжон уруғлар ўлиб кетади. Ҳақиқий бавувват уруғлар эрта баҳорда паст ҳароратда майсалайди. Яровизация даврини табиий шароитида ўтаган уруғларнинг майсалари совуққа ва касаллик ҳамда зараркунандаларга анча чидамли бўлади.

Тўқсонбости усулида совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат, руккола) жанубий худудларда оқбош ва гул карам, брокколи каби экинлар етиштирилади.

### **НЎШ ПИЁЗ**

Республикада тўқсонбости усулида пиёзни уруғидан етиштиришдан ташқари унинг нўш пиёздан етиштириш киради. Нўш пиёзлар баъзан кузда (октябрь – ноябр ойларида) ёки эрта баҳорда нўш пиёз (майда пиёзбоплар) лимон етиштирилаётган иссиқхона ва очиқ майдонларда экилади.

Нўш пиёз кузда экилгани маъқул, чунки майда пиёзбошларни қишда сақлаш кўп чиқитга чиқишга олиб келади. Нўш пиёз пушталарга ёки текис далаларга (маркёр изи бўйича) бўйнигача ботириб икки қаторлаб лента шаклида экилади. Бунда ленталар ораси 50-60 см ва қатордаги пиёзлар ораси 10 см дан қилинади. Бунда 4 см йирикликдаги пиёзбошлар 10-12 кг/м<sup>2</sup> ҳисобидан зич қилиб экилади.



Нўшдан бошпиёз етиштириш учун ўсув даври мобайнида гулпояларни мунтазам равишда юлиб туриш керак. Нўшдан экилган пиёз уруғдан етиштирилган пиёзга қараганда бегона ўтдан кам қийналади ва ягоналанмайди. Бошқа парваришлаш тадбирлари одатдагича ўтказилади.

Нўшдан экилган пиёзлар уруғдан экилган пиёзларга нисбатан эрта етилади ва юқори ҳосил беради. Ҳосили одатда, июл ойида – августнинг биринчи ярмида йиғиштириб олинади. Лекин, нўш пиёздан етиштирилган пиёзлар яхши сақланмайди, шунинг учун ҳам улар кўпинча ёз-куз даврида истеъмол қилиниши лозим.

Тўқсонбости муддатда нўш пиёзни маҳаллий шароитда яратилган **Истиқбол** ва **Зафар** навлари ҳамда хорижнинг **Манас**, **Дайтона**, **Леоне**, **Банко** ва **Родар** каби навларини экиш тавсия этилади.

**Ўғитлаш.** Нўш пиёз ўсимлиги патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озик элементларни кўп бўлишини талаб қилади. Нўш пиёздан юқори ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга юқори унумдор майдонларда соф ҳолда *250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий*, ўртача унумдор тупроқларда *300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий*, паст унумдор тупроқларда *320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий* берилиши лозим.

Фосфор ўғитни йиллик миқдорини 70-75% ерни асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бароналашдан олдин берилади. Азот ўғитини ўсув даврида озиклантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш пиёз яганалаб, пиёз боши ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Гўнг берилганда гўнгдаги бегона ўтлар уруғлари униб чиқиб, олинандиган ҳосилга салбий таъсир этади.

**Суғориш.** Нўш пиёз ҳаво намлигини яхши кўради ва ушбу шароитда яхши ўсиб ривожланади, тупроқнинг сернам бўлишини хоҳлайди. Кўк пиёзнинг барг шапалоғини кичиклиги ва сувни тежаб-тергаб сарфлашига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаганлигидан тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда кучли. Фақат ўсув даврининг охирида ва нўш пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди. Бу даврдатупроқ ҳаддан ташқари сернам бўлса, пиёз кечроқ етилади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўзтупроқли ерларда кўкламнинг охири ёзнинг бошларида пиёз ҳар *7-10 кунда* суғорилади. Ҳар галги суғоришда гектарига *350-400 м<sup>3</sup>* ҳисобидан сув берилади.

### Диққат мутахассисларга!

Сабзи, ош лавлаги, укроп, кашнич каби сабзавот экинлари уруғлари униб чиқиши қийин бўлганлиги сабабли улар экилган жўяклар усти чириган қуруқ гўнг билан 1,5-2 см қалинликда мульчаланса, тупроқни қатқолоқдан сақлайди, ниҳолларнинг униб чиқиши анча тезлаштиради.

## САБЗИ

Сабзини тўқсонбости усулда асосан илдизмеваси қизил рангли маҳаллий **Зийнатли, Фаровон** ёки хорижнинг **Шантане 2461, Курода Шантанэ, Нантская 4, Канада ва Карсон** каби нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Тўқсонбости усулда экилган сабзининг ўсув даври **90-110 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **апрел** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **май** ойга тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолдасабзи уруғини тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда,**

марказий вилоятларда **15 ноябр – 15 декабрь,**

шимолий вилоятларда **1 ноябр – 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи и экиш схемаси.** Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг ни ташкил этиб, сабзи уруғлари СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялкалар билан 1,5-2 см чуқурликка 52×8 ва 62×8 см схемада ёки қўлда сочиб экилади. Тўқсонбости усулда сабзи уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

**Парваришлаш.** Сабзи уруғлари баҳорда униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтлардан 2 марта ўталади ҳамда яганаланади. Дастлабки ўташ сабзи *битта чинбарг* чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўток давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши, экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кг дан бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фюзилад Супер 12,5% препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

Шунингдек, сабзи иккинчи марта ягана қилиниб, ўтдан тозалангандан кейин қатор оралари трактор культиваторида юмшатилади.

**Ўғитлаш.** Сабзининг гектаридан 30 тоннагача ҳосил олиш учун юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 175 кг азот, 130 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор тупроқларда 220 кг азот, 160 кг фосфор ва 100 кг калий, паст унумдор тупроқларда 250 кг азот, 200 кг фосфор ва 120 кг калий берилиши лозим.

**Суғориш.** Сабзи етиштиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак.

Уруғнинг униб чиқиш, шунингдек, баргнинг жадал суратда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида экинларнинг сувга талабчанлиги бир оз ошади. Илдизмеваси



етилган вақтда экин хаддан ташқари кўп суғорилса, уни узок сақлаб бўлмайди ва ёрилиб кетиши мумкин.

Тупроқнинг намлиги етишмаса сабзининг барги қораяди, ортиқча сернам бўлса оч яшил тусга киради. Шунга мувофиқ сабзи баргининг ўсиши анча секинлашади, майдалашади ва у тўқ қизил-бинафша ранг билан қопланади. Ортиқча нам бўлганда барги яшил, томирлари эса оч қизғиш рангга киради.

Уруғ униб чиқишига қишда ва баҳорда ёққан ёғингарчилик микдори етарли ҳисобланади. Айрим, яъни кўкламда ёғингарчилик кам келган йиллардагина уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида уруғ суви берилади.

Сабзи апрел ойининг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади. Дастлабки пайтларда экин ҳар *1,5-2 ҳафтада*, май ойининг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал сурагда катталашаётганда эса ҳар *7-8 кунда* суғорилади. Ҳосил етилиб, йиғим-терим пайти яқинлашганда суғориш тўхтатилади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ўсув даврида *8 марта*, сизот суви юза далаларда эса *5-6 марта* суғорилган гектарига *550-600 м<sup>3</sup>* ҳисобидан сув сарфланади.

**Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш.** Кўп йиллик бегона ўтларга қарши кузда Галомекс 104 г/л эм.к. препарати солинади. Бир йиллик ўтларга қарши экишдан олдин 50% ли Гезагард препаратини *200-300 г*, бегона ўтлар уруғи ердан ўнгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда, 33% ли Стомп *100-200 мл* ёки 12,5% ли Фюзилад Супер препаратининг *100-200 г* ни пуркаш тавсия қилинади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Сабзи илдизмевасининг диаметри *1,5-2 см* бўлганда қовлаб олинади.

## ОШ ЛАВЛАГИ

Ош лавлагини маҳаллий **Диёр** ва **Ягона** ҳамда хориждан келтириладиган навларидан **Бордо 237**, **Бикорес**, **Боро F<sub>1</sub>**, **Детройт** ва **Пабло F<sub>1</sub>** дурагайлари тавсия этилади.

Ош лавлаги уруғлари 4-5°C да униб чиқа бошлайди, ўсиб ва ривожланиб бориши учун энг қулай ҳарорат 20-25°C дир. Ош лавлаги совуқ (-2-3°C) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Тўқсонбости усулда экилган ош лавлагининг ўсув даври **90-110 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **апрел** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **май** ойга тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда ош лавлаги уруғини тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда**,

марказий вилоятларда **15 ноябр – 15 декабрь**,

шимолий вилоятларда **1 ноябр – 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи ва экиш схемаси.** Тўқсонбости усулида ош лавлаги экилганда уруғ сарфи – *16-18 кг* ни ташкил қилиб, экишда эгатлари *60-70 см* бўлиб, *2-3*



қаторли, ўсимлик оралари 8-10 см ва 2-3 см уруғлар чуқурликка экилади.

Ош лавлаги уруғи экилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

**Ўғитлаш.** Ош лавлагидан юқори ва сифатли илдизмевалар олиш учун кузда ерни шудгорлашда 320 кг аммофос, 180 кг калий хлор ўғити солинади. Баҳорда ўсув даврида азот ўғити иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўток қилиб ўсимлик сийраклаштирилгандан сўнг 240 кг карбамид ёки 550 кг сульфат аммоний, иккинчиси эса 3-4 чин барг пайдо бўлганда юқоридаги миқдорда солинади.

**Суғориш.** Ош лавлаги ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 65-70% бўлиши керак. Ош лавлаги бошқа илдизмевали сабзавотлар каби ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қилади. Уруғнинг униб чиқиш, шунингдек, баргнинг жадал суратда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида экинларнинг сувга талабчанлиги бир оз ошади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ош лавлаги ўсув даврида 7-8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 5-6 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 500-550 м<sup>3</sup> ҳисобидан суғорилади.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш.** Шира, лавлаги узунбурун зараркунандаларга қарши курашда 1 гектар экин майдонига препаратлардан 20% эм.к Конфидор – 150-250 мл, 20% Маспиан – 150-250 мл, 57% Фуфанон – 80-100 мл миқдорда 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

## КЎКАТ САБЗАВОТЛАР

Кўкат сабзавотлар овқатга турли кўринишда ишлатилади. Уларга бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик сабзавотлар киради. Кўкат сабзавотлар витаминларга, минерал тузларга, эфир мойларига ва ферментларга бой бўлиб, зиравор сифатида сабзавотларни тузлашда ҳам ишлатилади.

Кўкат сабзавотлар юқори ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, иссиққа кам талабчанлиги, тупроқга, намга ва озик моддаларга кўп талабчанлиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб турадилар.

Кўкат сабзавотлар ниҳоллари пайдо бўлгандан кейин 30-40 кунда ҳосили йиғиб олинadиган даражага етади. Уларни йил давомида экиб янги сабзавот етиштириб туриш имконияти бор. Кўкат сабзавотлар асосан барги учун етиштирилади, шу сабабли уларнинг уруғи анча қалин экилади.

Кўкат сабзавотларга юқори ҳарорат салбий таъсир қилади, иссиқ ортикча ва ҳавонинг нисбий намлиги паст (60% дан) бўлса, ўсимлик барвақт гулпоя чиқаради, барглари суст ўсади, ҳосили камаяди, баргининг сифати пасаяди, шираси кам, ўзи дағал бўлиб қолади. Улар яхши гўнгланган, унумдор ерларга экилса юқори сифатли ҳосил олинади.

## САЛАТ

Салат бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглardan иборат паст тупбарг ёки салат боши ҳосил қилади.

Салатнинг маҳаллий **Кўк шох** ва хориждан келтириладиган **Фиоретт, Конкорд F<sub>1</sub>, Лагунас F<sub>1</sub>, Левистро F<sub>1</sub> ва Саула F<sub>1</sub>** навлари экиш учун тавсия



этилади.

Салат совуққа чидамли ўсимлик. Баргларининг ўсиши ва бош ўраши учун кулай ҳарорат кундузи 15-20°C ва кечаси 12-15°C бўлиши керак, шунингдек, у 5°C паст ҳароратда ҳам оз бўлсада ўсаверади.

Тўқсонбости усулда экилган салатнинг ўсув даври **40-60 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **март** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **апрел** ойига тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика худудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда баргли ва бош ўрайдиган салатлар тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда,**

марказий вилоятларда **15 ноябрь – 15 декабрь,**

шимолий вилоятларда **1 ноябрь– 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи ва экиш схемаси.** Бир гектар ерга салат уруғидан *4-5 кг*, бошли салатникидан *3-4 кг* сарфланади. Уруғлар лентасимон усулида *2-3 қатор* қилиб, ленталар ораси *45-60 см*, лентадаги қаторлар ораси *15 см* экиш схемасида экилади. Салат уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

**Парваришлаш.** Майсалар баҳорда униб чиққандан *10-12 кун* ўтгач биринчи марта, *2-3 ҳафта ўтгач* иккинчи охири марта яғана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида *8-10 см*, бошли салатда эса *12-15 см* масофа қолдирилади.

Салат ўсимлигини парваришлашга – ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари киради. Баргли салат майсалар пайдо бўлгандан *30-40 кундан* кейин ҳосили бир йўла йиғиштириб олинади. Бошли салатни ҳосили *45-50 кундан* кейин уларни етилишига қараб кундузи, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади. Баргли салатнинг гектаридан *100-120 ц*, бошли салатникидан *170-180 ц* дан ҳосил олинади.

**Ўғитлаш.** Ўсимликларни экишдан олдин, яъни ерни экишга тайёрлашда фосфор ўғитини йиллик миқдорини *75%*, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган *25%* фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси ўсув даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса *2-3* тадан чинг барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

**Суғориш.** Салат ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимиға нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги *70-75%* бўлиши керак.

Салат ўсимлиги кўкат сабзавотлар каби ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қилади. Уруғнинг униб чиқиш, шунингдек баргнинг жадал суратда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида экинларнинг сувга талабчанлиги бир оз ошади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда салат ўсув даврида *7-8 мартагача*, сизот суви юза далаларда эса *2-3 марта* суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига *450-500 м<sup>3</sup>* ҳисобидан суғорилади. Салатни ҳаддан ташқари катта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.** Салат касалликларига анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Бошли салатнинг ҳосили 45-50 кундан кейин уларнинг етилишига қараб эрта тонгда, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади.

## ИСМАЛОҚ

Исмалоқ – бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан 8-10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради. Исмалоқни республикада фақат битта **Нафис** нави Давлат реестрига киритилган.

Исмалоқ ўсимлиги совуққа чидамли сабзавотлар қаторига кириб, уруғи 3°C ҳароратда кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6-8°C гача совуққа бардош беради. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳаво намлигини пасайиб кетиши ўсимликка салбий таъсир қилади, барглари майда бўлиб қолади. Исмалоқ ҳосили ниҳоллар пайдо бўлгандан 25-40 кундан сўнг йиғиб олинади.



Тўқсонбости усулда экилган исмалоқнинг ўсув даври **45-50 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **март** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **апрел** ойига тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда исмалоқни тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабр**да,

марказий вилоятларда **15 ноябрь – 15 декабрь**,

шимолий вилоятларда **1 ноябрь – 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи ва экиш схемаси.** Исмалоқ сабзавот сеялкалари билан кўш қаторлаб, ленталар ораси *50-60 см* ва қаторлар орасини *15-20 см* дан қилиб, гектари **15-20 кг** уруғни *2-3 см* чуқурликка экилади.

**Парваришлаш.** Исмалоқ уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади. Ўсув даврида парвариш қилиш ишлари экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат бўлиб, озик-овқатга ишлатадиган исмалоқ яғана қилинмайди.

Исмалоқ *5-6 та* барг чиқаргандан бошлаб кесилиб ёки юлиниб ҳосили бир неча марта йиғиштирилади. Гулпоялар чиқарганда ҳосили терилмайди. Исмалоқнинг ҳосилдорлиги гектарига ўртача *120-150 ц/га* ташкил этади.

**Ўғитлаш.** Исмалоқни тўқсонбости усулда етиштиришда фосфор ўғитини йиллик миқдорини *75%*, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган *25%* фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитларни ҳаммаси ўсув даврида озиклантиришда иккига бўлиб, биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса *2-3* тадан чинг барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

**Суғориш.** Исмалоқ ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимиغا нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги *70-75%* бўлишини талаб этилади. Шу сабабли, сизот суви чуқур жойлашган ерларда исмалоқ ўсув даврида *7-8 мартагача*, сизот суви юза майдонларда *2-3 марта* суғорилади. Тупроқ шароитига

қараб гектарига  $450-500 \text{ м}^3$  ҳисобидан суғорилади. Исмалокни ҳаддан ташқари қатта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

**Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш.** Исмалок касалликларига анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Исмалокнинг ҳосили *45-50 кундан* кейин уларнинг етилишига қараб эрта тонгда, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин биринкетин узиб олинади.

## ОТҚУЛОҚ (ШОВУЛ)

Отқулоқ (шовул) – илдизи кўп йиллик ва бир йиллик, пояси ҳар йили ўсиб чиқадиган сабзавот. Отқулоқ экилган йили илдиз бўғзидан тупбарг чиқаради, иккинчи ва ундан кейинги йилларда эса гулпоясини ташлайди.

Отқулоқнинг серҳосил **Широколистний** нави районлаштирилган. Отқулоқ сояда ҳам ўсаверадиган, совуққа чидамли ўсимлик, у  $7-10^{\circ}\text{C}$  гача совуққа бордошли бўлиб, уруғи  $2-3^{\circ}\text{C}$  ҳароратда кўкариб чиқади. Отқулоқ уруғдан ва илдиз бўлакчаларидан кўпайтирилади.



Тўқсонбости усулда экилган отқулоқнинг ўсув даври **60-70 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **март** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **апрел** ойига тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда отқулоқни тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда,**

марказий вилоятларда **15 ноябрь – 15 декабрь,**

шимолий вилоятларда **1 ноябрь – 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи ва экиш схемаси.** Отқулоқ уруғи лентасимон усулда кўш қаторлаб ёки *3 қатор* қилиб сабзавот сеялкасида гектарига *3 кг* уруғ сарфланиб экилади. Уруғи укроп сингари ҳам сепилади.

**Парваришлаш.** Уруғ экилгач, унинг унишини тезлатиш учун устидан гектарига *10-12 тонна* чириган гўнг, *300-400 кг* суперфосфат сочилса, ҳосили мўл бўлади ва барвақт етилади. Эрта кўкламда ҳосилни тез етиштириш учун азотли ўғит солинади. Отқулоқ парвариши ўташ ва суғоришдан иборат.

Отқулоқ барги *5-6 тага* етганда уни пичоқ билан кесиб олиш ёки қатталарини банди билан суғуриб олиш мумкин. Ҳосил ўриб олингандан кейин орадан *12-15 кун* ўтгач, уни яна ўриб олса бўлади, отқулоқ бир мавсумда *3-4 марта* ўрилади. У гуллаши билан уни уруғга қолдириш мумкин. Отқулоқ яхши парвариш қилинганда гектаридан ўртача *12-15 тонна* ҳосил беради.

**Ўғитлаш.** Отқулоқни етиштиришда фосфорли ўғитни йиллик миқдорини *75%*, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган *25%* фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитларни ҳаммаси ўсув даврида озиклантиришда иккига бўлиб, биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса *2-3* тадан чинг барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

**Суғориш.** Откулоқ ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимиغا нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак. Шу сабабли, ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қилиб, уруғнинг униб чиқиш, шунингдек, баргнинг жадал суратда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида сувга талабчанлиги бир оз ошади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда откулоқ ўсув даврида *7-8 мартагача*, сизот суви юза майдонларда *2-3 марта* суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига *450-500 м<sup>3</sup>* ҳисобидан суғорилади.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.** Откулоқ касалликларига анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Откулоқнинг ҳосили 60-70 кундан кейин уларнинг етилишига қараб эрта тонгда, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин биринкетин узиб олинади.

## УКРОП

Укроп бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Укропнинг маҳаллий **Узбекский 243** ва **Оромҳамда** хориждан келтириладиган **Анет** навлари экилади.

Тўқсонбости усулда экилган укропнинг ўсув даври **40-60 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **март** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **апрел** ойига тўғри келади.



**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда укропни тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда**,

марказий вилоятларда **15 ноябрь – 15 декабрь**,

шимолий вилоятларда **1 ноябрь– 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи.** Кўклигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепилиб, гектарига **20-25 кг** уруғ сарфланади.

**Парваришlash.** Укроп уруғи секин униб чиқади. Укроп ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади.

Кўклигида ишлатиладиган укроп апрел ойидан бошлаб, бўйи *10-15 см* га етганда ўриб олинади. Укроп кўклигида ишлатиш учун экилганда гектаридан *10-12 тоннагача* ҳосил олинади.

**Ўғитlash.** Укропни етиштиришда фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитларни ҳаммаси ўсув даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чинг барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

**Суғориш.** Укроп ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимиغا нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак. Шу сабабли, ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қилади. Уруғнинг униб чиқиш,

шунингдек баргнинг жадал суратда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида экинларнинг сувга талабчанлиги бир оз ошади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда укроп ўсув даврида *7-8 мартагача*, сизот суви юза майдонларда *2-3 марта* суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига *450-500 м<sup>3</sup>* ҳисобидан суғорилади. Исмалоқни ҳаддан ташқари катта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.** Укроп касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Кўклигида фойдаланиш учун бўйи *10-15 см* га етганда ўткир ўроқ билан ўриб олинади.

## КАШНИЧ

Кашничнинг **Орзу** ва **Янтарь** навлари районлашган бўлиб, совуққа чидамли бир йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғини ўсиши учун  $5-6^{\circ}\text{C}$ , кўкариб ҳосил яратиши учун  $15-16^{\circ}\text{C}$  ҳарорат керак. Кашнич ўсув бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади.



Тўқсонбости усулда экилган кашничнинг ўсув даври **40-50 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **март** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **апрел** ойига тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда кашнични тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда**,

марказий вилоятларда **15 ноябрь – 15 декабрь**,

шимолий вилоятларда **1 ноябрь – 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи.** Пол қилиб сепилганда гектарига **8-10 кг** уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади.

**Парваришлаш.** Асосий парвариши *1-2 марта* ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан *12-15 тоннагача* ҳосил олиш мумкин.

**Ўғитлаш.** Фосфор ўғитини йиллик миқдорини  $75\%$ , калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган  $25\%$  фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитларни ҳаммаси ўсув даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чинг барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

**Суғориш.** Кашнич ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги  $70-75\%$  бўлиши керак.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда кашнич ўсув даврида *7-8 мартагача*, сизот суви юза майдонларда *2-3 марта* суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига *450-500 м<sup>3</sup>* ҳисобидан суғорилади.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.** Кашнич касалликларга

анча чидамли, салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Кашнич ердан униб чиққан кундан бошлаб *40-50 кунда* истеъмолбоп бўлади. Аҳоли кашнични янги узулган барра ҳолида ва қуритиб қишда ҳам ишлатади. Бу кўкат йил бўйи истеъмол қилинади. Унинг барра баргларини *2-3 марта* ўриб олиш мумкин. Бунда *1-1,5 см* танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади. Вақтида ўриб олинмаса, уруғпоя ҳосил қилиб, истеъмолга ярамай қолади.

## ПЕТРУШКА

Петрушканинг **Нилуфар, Сахарная ва Новас** навлари районлашган бўлиб, у совуққа чидамли икки йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғини ўсиши учун  $5-6^{\circ}\text{C}$ , кўкариб ҳосил яратиши учун  $15-16^{\circ}\text{C}$  ҳарорат керак. Петрушка ўсув бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Петрушка ер танламайди.

Тўқсонбости усулда экилган кашничнинг ўсув даври **55-60 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **март** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **апрел** ойига тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда петрушкани тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда,**

марказий вилоятларда **15 ноябрь – 15 декабрь,**

шимолий вилоятларда **1 ноябрь– 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи.** Пол қилиб сепилганда гектарига *3-4 кг* уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади.

**Парваришлаш.** Асосий парвариши *1-2 марта* ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан *10-12 тоннагача* ҳосил олиш мумкин.

**Ўғитлаш.** Фосфор ўғитини йиллик миқдорини  $75\%$ , калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган  $25\%$  фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси ўсув даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса *2-3* тадан чинг барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

**Суғориш.** Петрушка ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги  $70-75\%$  бўлиши керак. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда кашнич ўсув даврида *7-8 мартагача*, сизот суви юза майдонларда *2-3 марта* суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига *450-500 м<sup>3</sup>* ҳисобидан суғорилади.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.** Петрушка касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Бўйи *15-20 см* га етган петрушка ўсимлиги эрта тонгда – кун нисбатан салқинлигида ўткир ўроқ билан ўриб олинади. Унинг барра баргларини *3-4 марта* ўриб олиш мумкин. Бунда *1-1,5 см* танаси қолдирилади,



тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади.

## РУККОЛА

Руккола бир йиллик ўсимлик бўлиб, у майда қиррали узун барглардан иборат. Республикада рукколанинг хориждан келтириладиган **Грация** ва **Покер** дурагайлари экиш учун тавсия этилади.

Ушбу экин совуққа чидамли ўсимлик. Баргланининг ўсиши ва ривожланиши учун қулай ҳаво ҳарорати кундузи 15-20°C ва кечаси 12-15°C бўлиши керак. У 5°C паст ҳароратда ҳам ривожланади.



Тўқсонбости усулда экилган кашничнинг ўсув даври **45-50 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – **февраль** ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – **март** ойига тўғри келади.

**Экиш муддати.** Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда петрушкани тўқсонбости усулида:

жанубий вилоятларда **1-30 декабрда,**

марказий вилоятларда **15 ноябрь – 15 декабрь,**

шимолий вилоятларда **1 ноябрь – 1 декабрь** кунлари экишни тавсия қилинади.

**Уруғ сарфи ва экиш схемаси.** Руккола уруғи *15-20 см* чуқур олинган полларга ёки лентасимон усулида *2-3 қатор* қилиб экилади. Бунда ленталар ораси *45-60 см*, лентадаги қаторлар ораси *15 см* қилинади. Бир гектар ерга **4-5 кг** уруғ сарфланади.

**Парваришlash.** Руккола ўсимлигини парваришlashга – ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари қиради. Майсалар баҳорда униб чиққандан *10-12 кун* ўтгач биринчи марта, *2-3 ҳафта* ўтгач иккинчи охирги марта яғана қилинади. Бунда руккола тупларининг орасида *8-10 см* масофа қолдирилади.

**Ўғитlash.** Фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитларни ҳаммаси ўсув даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чинг барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

**Суғориш.** Ушбу экинни ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда руккола ўсув даврида *7-8 мартагача*, сизот суви юза майдонларда *2-3 марта* суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига *450-500 м<sup>3</sup>* ҳисобидан суғорилади. Рукколани ҳаддан ташқари катта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Майсалар пайдо бўлгандан *30-40 кундан* кейин ҳосили бир йўла йиғиштириб олинади. Ҳосили *45-50 кундан* кейин уларни етилишига қараб кундузи, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин

узиб олинади. Гектаридан *100-120 центнердан* ҳосил олинади.

## ОҚБОШЛИ КАРАМ

Оқбошли карамнинг совуққа чидамли тезпишар навлари **Наврўз, Дербентская местная, Апшеронская озимая** навлари ёки **Бухарест F<sub>1</sub>, Вестри F<sub>1</sub>** ва **Лион F<sub>1</sub>** каби дурагайлари ушбу муддатда экиш тавсия этилади.

Тўқсонбости усулда экиладиган оқбошли карам кўчатлари 4-5 барг чиқарган бўлиши лозим. У ноябрнинг бошларида ўтказилади. Сентябрнинг охирлари октябрнинг бошларида далага уруғидан ҳам экиш мумкин.



Республиканинг марказий ҳудудларида тўқсонбости оқбошли карам ёруғликни яхши ўтказадиган плёнка билан бекитиш лозим. Бундай қилиш жанубда ҳам фойдалидир. Қиш арафасида экилган карам эрта баҳорда экилган карамга нисбатан жанубда бир ой олдин, республиканинг марказий ҳудудларида эса икки ҳафта олдин етилади.

Ушбу муддатда экиладиган нав ва дурагайлар уруғларни махсус кассета ёки стаканларда тайёрлаб экиб етиштириш лозим. Кўчатларни иситилмайдиган кўчатхонада ёки очик майдонда тайёрлаш мумкин.

Кўчатни озиклантиришда ҳар *10 литр* сувга *13-15 г* азотли, *18-25 г* фосфорли ва *15-20 г* калий ўғитлари солиниб эритилади ва ушбу эритма ҳар *3-3,5 м<sup>2</sup>* майдондаги кўчатларни озиклантириш учун сарфланади.

Карам кўчатлари иккинчи марта очик майдонга экишдан *15-18 кун* олдин озиклантирилади. Бунда *10 литр* сувга маданий ўғитлар миқдори икки марта кўпроқ солиниб амалга оширилади. Ёши *40-45 кун*, узунлиги ўртача *14-16 см* ва барглари сони *6-7 донадан* бўлган оқбошли карам кўчатлари очик майдонга экилади.

Тўқсонбости усулда экилган оқбошли карамнинг ўсув даври **120-130 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври **март-апрел** ойига тўғри келади.

**Экиш муддатлари ва экиш схемаси.** Оқбош карам республиканинг жанубий вилоятларида кўчатини тайёрлаш учун уруғи ноябр ойининг I-декадасида сепилиб, тайёр кўчатлар декабр ойининг I-II декадасида далага экилади. Кўчатлар *70×30* ёки *70×40 см* схемаларда экилиб, плёнка қопламаси билан ёпилади.

**Парваришлаш.** Эрта баҳордан ёки баҳор фаслнинг келишига боғлиқ ҳолда (далага кириш имконият бўлиши билан) эгатларнинг оралари, кўчатларнинг атрофи юмшатилади ва биринчи ўғит берилади. Иккинчи чопиқ экин суғорилгандан сўнг ўтказилади. Оқбош карам икки марта чопиқ қилинади. Шунингдек, қатор оралари КРН-4,2 культиватор билан *15-16 см* чуқурликда культивация қилиниб, минерал ўғитлар билан озиклантирилади.

**Ўғитлаш.** Сабзавотлар ичида оқбошли карам тупроқ унумдорлигига миенрал ўғитларга ўта талабчан. Қадимдан суғориб келинаётган типик бўз тупроқларда гектарига ўртача *240 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг соф калий* беришлик лозим. Ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда етиштирилганда *200 кг азот, 160 кг фосфор, 120 кг соф калий* берилади.

Йиллик фосфор ўғитларини 70-75% миқдори, калийни 50% ерга асосий ишлов беришда, қолган 25-30% фосфорни 50% азот билан биргаликда карам кўчати тўлиқ тутиб олгандан сўнг, биринчи комплекс ишлов олдида қатор

ораларига ўсимликларга яқинроқ берилади. Қолган азотни 50%, калийни 50% билан биргаликда карам боши ўрай бошлаганда ўсимликка яқинроқ қилиб берилади. Оқ бош карамни юқорида кўрсатилгандек ўғитлаш, ўғитлардан самарали фойдаланишга, ҳосилни кўпайишига, уни сифатини яхшиланишига олиб келади.

**Суғориш.** Тўқсонбости усулда экилган оқбошли карам эрта баҳорда бошлаб ўсув даврининг бошларида *7-10 кун* оралатиб суғориб борилади. Бўз тупроқли ерларда оқбошли карамни *8-10 марта*, сизот сувлари юза жойлашган ерларда *6-8 марта* суғориш тавсия этилади.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.** Карам бити, карам куюси, карам оқ капалаги куртларига қарши биологик усулда олтинкўз, хонқизи кўнғизлари қўлланилади. Барг кемирувчи куртларга қарши трихограмма тухумхўри ва бракон энтомофаглари ишлатилади. Кимёвий усулда 10 литр сувга Циперметрин 25% эм.к. (*16 мл/га*), Долприд 200 г/л с.э.к. (*10 мл/га*) препаратларининг биронтасидан фойдаланилади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Тўқсонбости усулда экилган оқбошли карам оддий узун пичоқ ёрдамида *2-3 дона* барги билан қирқиб олинади. Оқбошли карам сақлашга мойил эмас, шунинг учун уни дарҳол истеъмолга чиқариш зарур. Вақтида йиғилмаган карамларнинг бошлари ёрилиб кетади.

Республиканинг жанубий минтақаси Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг айрим ҳудудларида юқорида келтирилган сабзавотлардан ташқари совуққа чидамлироқ бўлган гулкарам ва брокколини плёнка остида тўқсонбости усулида етиштириш ҳам мумкин.

## ГУЛКАРАМ ва БРОККОЛИ

Гулкарамнинг **Кашмер F<sub>1</sub>**, **Барселона F<sub>1</sub>** ва **Таласса F<sub>1</sub>** ҳамда брокколининг **Агасси F<sub>1</sub>**, **Гераклион F<sub>1</sub>**, **Наксос F<sub>1</sub>** ва **Маратон F<sub>1</sub>** каби дурагайларини ушбу муддатда экиш тавсия этилади.

Тўқсонбости усулда экилган гулкарам ва брокколининг ўсув даври **90-100 кун** бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда очик майдонда декабрда плёнка остига экилганда **март** ойида тўғри келади.

Ушбу муддатда экиладиган дурагайлар уруғларни махсус кассета ёки стаканларда тайёрлаб экиб етиштириш лозим. Кўчатларни исситиладиган кўчатхонада тайёрланади.

Кўчатни озиклантиришда ҳар 10 литр сувга *13-15 г* азотли, *18-25 г* фосфорли ва *15-20 г* калий ўғитлари солиниб эритилади ва ушбу эритма ҳар *3-3,5 м<sup>2</sup>* майдондаги кўчатларни озиклантириш учун сарфланади.

Бунда кўчатлари иккинчи марта очик майдонга экишдан *15-18 кун* олдин озиклантирилади. Бунда *10 литр* сувга маданий ўғитлар миқдори икки марта кўпроқ солиниб амалга оширилади. Ёши *40-45 кун*, узунлиги ўртача *14-16 см* ва барглари сони *6-7 донадан* бўлган кўчатларини очик майдонга экилади.

**Экиш муддатлари ва экиш схемаси.** Гулкарам ва брокколи республиканинг жанубий вилоятларида кўчатларини тайёрлаш учун уруғи ноябр ойининг I-декадасида сепилиб, кўчатларлари тайёрланади. Тайёрланган кўчатлар декабр



ойининг I-декадасида  $70 \times 30$  ёки  $70 \times 40$  см схемаларда экилиб, плёнка қопламаси билан ёпилади.

**Парваришлаш.** Гулкарам ва брокколи кўчатларини эрта баҳорда далага кириш имконияти бўлганда техника ёки қўл меҳнати билан биринчи ялпи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН-4,2 культиватор билан *15-16 см* чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъдан ўғитлар билан озиклантирилади ва сув берилади. *20-25 кундан* кейин яна бир марта ялпи ишлов берилади.

**Ўғитлаш.** Гулкарам ва брокколи тупроқ унумдорлигига, минерал ўғитларга ўта талабчан ҳисобланиб, қадимдан суғориб келинаётган типик бўз тупроқларда гектарига ўртача *240 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг соф калий*, ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда *200 кг азот, 160 кг фосфор, 120 кг соф калий* берилади.

Йиллик фосфор ўғитларини *70-75%* миқдори, калийни *50%* ерга асосий ишлов беришда, қолган *25-30%* фосфорни *50%* азот билан биргаликда карам кўчати тўлиқ тутиб олгандан сўнг, биринчи комплекс ишлов олдидан қатор ораларига ўсимликларга яқинроқ берилади. Қолган азотни *50%*, калийни *50%* билан биргаликда меваси шаклана бошлаганда ўсимликка яқинроқ қилиб берилади. Юқорида кўрсатилгандек, ўғитлаш, ўғитлардан самарали фойдаланишга, ҳосилни кўпайишига, уни сифатини яхшиланишига олиб келади.

**Суғориш.** Гулкарам ва брокколи тупроқ ва ҳаво намлигига талабчан. Ушбу муддатда ёғингарчилик кўп бўлишини инобтага олган ҳолда ёмғир ёғиш пайтида плёнкаларни очиш зарур, кўшимча суғориш ишлари тупроқда намлик камайган паллада амалга оширилади. Баҳорда *10-12 кун* оралатиб, *450-500 м<sup>3</sup>* ҳисобида суғорилади.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
I. Август пиёзи ва саримсоқпиёз навларини жойлаштириш ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиялар .....	6
Пиёз .....	7
Саримсоқ .....	9
II. Тўқсонбости усулида сабзавот экинлари навларини жойлаштириш ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиялар.....	10
Пиёз .....	<b>Error! Bookmark not defined.</b>
Нўш пиёз.....	10
Сабзи.....	12
Ош лавлаги .....	13
Кўкат сабзавотлар .....	14
Салат .....	14
Исмалоқ .....	16
Отқулоқ (шовул) .....	17
Укроп .....	18
Кашнич .....	19
Петрушка .....	20
Руккола .....	21
Оқбошли карам.....	22
Гулкарам ва брокколи .....	23